

МУҲАРРИР МИНБАРИ



Қадрли муштарийлар!

Эътиборингизга журналимизнинг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 25 йиллигига бағишланган сонини тақдим этамиз. Унда диққатга молик ушбу воқеага бағишланган алоҳида рукн ташкил этилиб, мақолаларда университет ташкил топишида асос бўлган икки институт — Тошкент давлат Чет тиллар педагогик институти ҳамда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг энг ёрқин намоёндалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Журналнинг илмий қисмида университет профессор-ўқитувчилари ўз тадқиқот йўналишлари мавзуларида илмий мақолалари билан иштирок этишган. Биз асосан университетда унинг ташкил этилган давридан бошлаб фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларни ўз илмий изланишларини журналимиз саҳифаларида чоп этишга таклиф қилдик. Бироқ, албатта саҳифаларимизда ёш тадқиқотчи ва ўқитувчиларимиз қаламига мансуб бўлган мақолаларни ҳам ўқийсиз.

Қадрли муштарий! Биз шуни тилаймизки, журналимиз мутолааси Сиз учун ёқимли ҳамда фойдали бўлсин.

Сизларга кўнгилли мутолаа тилаймиз!

Бош муҳаррир